



Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази

**Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички
имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг
илмий-методик асослари
илмий мақолалар тўплами**

2-ҚИСМ

Тошкент–2017

УДК 338(575.1)

Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг илмий-методик асослари. Илмий мақолалар тўплами. 2-қисм – Т.: LESSON PRESS. 2017. -215 б.

Мазкур тўплам Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази ходимларининг ОТ-Ф1-022 - рақамли “Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг илмий-методик асослари” фундаментал илмий лойиҳа бўйича олинган натижалар ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари ва талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари асосида тайёрланган илмий мақолалардан иборат.

Масъул муҳаррир: и.ф.н., доцент Ш.Р.Ражаббаев

Таҳрир ҳайъати:

и.ф.д., проф. Б.Х.Умурзаков,
и.ф.д., проф. А.С.Усманов,
и.ф.д., проф. Н.М.Махмудов,
и.ф.д., проф. А.М.Кадиров,
и.ф.н. А.А.Абдувалиев,
и.ф.н. Р.Х.Ташматов

Такризчилар:

и.ф.д., проф. М.Б.Хамидулин,
и.ф.н., доц. М. Юсупов

Ушбу илмий мақолалар тўплами Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази Илмий кенгашининг 2017 йил 13 июндаги №7-сонли Қарори билан нашрга тавсия этилган.

Мазкур илмий мақолалар тўплами ГОСТ 7.60-2003 ва ГОСТ 7.5-98 давлатлараро стандартларга мувофиқ расмийлаштирилган, унда чоп этилган илмий ишлар илмий мақолалар ҳисобланади.

Мазкур тўпламга киритилган илмий мақолаларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасини тўғрилигига ҳамда келтирилган танқидий фикр - мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъул.

© ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази, 2017 й.

секторов экономики.....	107
Хасанов Ш.Ш. Взаимосвязь изменения макроэкономических условий и состояния банковских балансов – методические вопросы.....	111
Яхёева Г.А. Вопросы оценки взаимосвязи финансового и реального секторов экономики.....	116
Джалилов А.А. Молия секторини реал сектор билан ўзаро алоқадорлигини баҳолаш индикаторлари таҳлили.....	120
Назруллаев Н.С. Молиявий воситачилик фаолиятини ривожлантиришга бўлган илмий ва амалий қарашлар.....	124
Абдуллаев Б.Р. Пути решения проблем с обеспечением ликвидности банковского сектора в Узбекистане.....	128
4-секция. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш учун табиий ресурслар салоҳиятини аниқлаш бўйича илмий-методик ёндашувлар	
Беркинов Б.Б. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишининг ишлаб чиқариш ва институционал омилларини баҳолаш.....	136
Қодиров А.М., Убайдуллаев Д. Иқтисодиётни модернизациялаш ва унинг саннат корхоналарида инновацион жараёнларни ривожлантириш билан ўзаро боғлиқлиги.....	143
Ташматов Р.Х. Ер ресурслардан унумли фойдаланишнинг хорижий тажрибаси	151
Шодмонова Г., Раҳманкулова Б. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва ривожлантириш йўллари.....	156
Хатамов О.К., Хасанов А.А. Моделирование расчета потребности в нефтепродуктов для транспортных работ фермерских хозяйств.....	160
Хотамов И.С., Хидиров Т.Қ. Ўзбекистон агросаноат мажмуасида иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш	166
Ишмухамедова Л.А. Методические основы обеспечения местного населения продовольствием.....	172
Абдуллаева М.К. Абдуллаева Р.Г. Аграр соҳани ривожлантириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни асосий жиҳатлари.....	177
Кадыров Т.А. Теоретические основы рационального размещения сельскохозяйственного производства	182
Тавакалов Ж.Т. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқаларнинг туганган ўрни.....	185
Tursunov B.O. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlovchi korxonalar quvvatidan samarali foydalanish yo'llari.....	191
Жанназарова Г.К., Джумаева С.К. Республика иқтисодиётини модернизациялашда аграр секторни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари...	164
Ражабов Ф.Т. Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва уни такомиллаштиришнинг ҳудудий масалалари.....	197
Хатамов О.Қ., Намозов Ғ.Ш. Ахборот-маслаҳат хизматининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ўрни.....	203
Абдуғаниев О.А. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омиллари.....	208
Хасанов А.А., Қулматова С.С. Фермер хўжаликларининг моддий-техника ресурсларига эҳтиёжини аниқлашда ишлаб чиқариш функциялари.....	212

Шодмонова Гулчера –
Тошкент ирригация ва
мелиорация институти, и.ф.д., проф.
Рахманкулова Барна -
Тошкент ирригация ва
мелиорация институти, и.ф.н.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш аҳамияти очиб берилган, ушбу соҳада тадқиқотлар умумлаштирилган ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланишини таҳлил ва башорат қилиш моделлари ва усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тавсиялар берилган.

Таянч тушунчалар: агросаноат комплекси, озиқ-овқат хавфсизлиги, фермерлик ҳаракати, аграр муносабатлар, математик моделлаштириш.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади¹⁹².

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон иқтисодиётида аграр сектор салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Бу тармоқ мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хом ашёга бўлган талабини қондириш йўли билан бирга экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири саналади. Республика ҳукумати томонидан мамлакат миллий бойлигининг катта қисми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иштирок этиши нуқтаи назардан иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши сифатида қишлоқ хўжалигида тўб иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишга катта эътибор қаратилди. Босқичма-босқич аграр ислоҳотлар ўтказиш пировардида қишлоқда турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидаги корхоналар вужудга келди. Улар ичидан хусусий корхона ҳисобланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси сифатида фермер хўжаликлари шаклланди ва ривожланиб бормоқда.

Фермер хўжаликларида илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш йўналиши бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш агротехнологик тадбирга қатъий амал қилиш, амалиётга ресурс тежовчи усулларни жорий этиш эвазига маҳсулот таннархини пасайтиришга эришиш, қишлоқ ҳудудларида мева-сабзавот, полиз, ўзум маҳсулотлари ва картошкани фермер хўжаликларидан мақбул нархларда сотиб оладиган, сақлайдиган, ташийдиган, ички исьтемомол бозорларига реализация қиладиган, улар экспортини амалга оширадиган ихтисослашган логистик тузилмалар-компаниялар ташкил қилиш, уларни етарли миқдордаги айланма маблағлар ҳамда моддий-техника воситалари билан таъминлаш мақсадида фермерлар кооперациясини шакллантириш, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишни таъминловчи агротехнологияларни қўллашга устиворлик бериш ва бундан минтақавий табақалашган тизими ва механизмларини жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

¹⁹² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. www.press-service.uz.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, экспорт ҳажмини оширувчи, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш масъулиятини ўз зиммасига олган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланди, десак муболаға бўлмайди. Бунда ернинг узоқ муддатга ижарага берилиши, фермер хўжаликларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш муҳим омил бўлиб ҳисобланди, албатта.

Республикада фермерлик ҳаракати аграр соҳани, у билан боғлиқ бўлган саноат ва бошқа тармоқлар ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, шунингдек аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ўз ҳиссасини қўшишга қодир ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга бўлган кучга айланиб бормоқда. Фермер хўжаликлари манфаатларини ишончли таъминлаш мақсадида тайёрловчи ва қайта ишловчи саноат корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчи ташкилотлар, молия-банк ва бошқа хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасалари фаолияти жойларда ана шу мақсадларни амалга аширишга бўйсиндирилган.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида республика фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари ошмоқда, уларга техника, ўғит, ёнилғи ва бошқа ресурслар етказиб бериш яхшиланмоқда, фермерларни қўллаб-қувватлаш кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этишнинг йўллари ва чораларига бағишланган китоби¹⁹³ да «Фермер хўжалиklarининг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш» зарурлиги борасида устувор вазифалар қўйган. Шу билан бир қаторда «Фермер хўжалиklarнинг иқтисодий мустақамлиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, фермерларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек қишлоқда янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш ҳисобига механизациялаш даражаси ва рентабелликни оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантириш» каби вазифаларни белгилаб берган эди. Шу муносабат билан, фермер хўжалиklarининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва хўжалик юритишнинг бозор муносабатлари ҳамда ҳудудий шароитига мослашувини ҳисобга олган улар ривожланишини тадқиқ этиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт фанида фермер хўжалиklarининг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш муаммоларининг турли жиҳатларига бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мавжуд. Улар асосан фермер хўжаликлари фаолият кўрсатишининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини тадқиқ этишга бағишланган. Шу билан бир қаторда, фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш ва ҳудудий ривожлантириш, уларни оптимал жойлаштириш ва ихтисослаштириш борасидаги илмий-амалий вазифаларни комплекс тарзда ҳал этиш лозим.

Янги мулкчилик шароитида мамлакат иқтисодиёти, унинг алоҳида соҳалари ва тармоқлари ривожланишини эконометрик моделлаштириш ва ахборотлаштиришнинг илмий-методологик ва амалий асослари, фермер хўжаликлари ривожланишини прогноз қилиш жараёнларини моделлаштириш ва бошқарувига ахборот технологияларни жорий этишнинг илмий-услубий асослари кўплаб олимлар томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини математик моделлаштириш ва бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланган. Тадқиқотларнинг дастлабки босқичларида суғорма

¹⁹³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 31-б.

деҳқончилик билан боғлиқ ўзига хос масалалар, хусусан, алмашлаб экиш, суғориш ҳамда пахтачиликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини бошқариш жараёнларинининг бошқа бир қатор моделлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар ўзининг амалий аҳамиятини ҳалигача йўқотмаган.

Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг кўп поғонали ахборот-ҳисоблаш тизимини яратиш ғояси ва уни амалга жорий этишнинг илмий концепциясига кўра қишлоқ ва сув хўжалиги, улар билан боғлиқ бошқа тармоқлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашёсини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишда ер-сув ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш кўзда тутилган ўзаро боғлиқ ва биргаликда ҳаракат қиладиган динамик тизимлар сифатида кўриб чиқилган. Кейинчалик концепция сув хўжалигида автоматлаштирилган бошқарув тизими, пахта етиштириш ва қайта ишлашни ташкилий бошқариш, пахтачилик ва сабзавотчиликда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш ва ички хўжалик бизнес-режалаштириш тизимини яратиш лойиҳаларига асос бўлди.

Нобарқарор об-ҳаво шароитида пахта ҳосилдорлигини прогноз қилишнинг илмий ёндашуви ҳамда математик модели, пахтачилик ҳудудлари шароитлари учун минтақада қишлоқ хўжалигини юритиш тизимларини моделлаштириш тамойиллари ва усуллари ҳамда пахтачилик, сабзавотчилик ва чорвачилик хўжаликларидида ички хўжалик бизнес-режалаштириш моделлари ишлаб чиқилган бўлиб, таклиф этилган моделлар негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва йиғиб олишнинг технологик карталари ва ишлаб чиқариш харажатларини (таннархни) ҳисоб-китоб қилишнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилган. Ушбу тизим республика вилоятлари пахтачилик ва сабзавотчилик туманлари хўжаликларидида жорий қилинган.

Пахта ҳосилини бошқаришнинг илмий концепцияси таклиф этилган, биологик тизимларда илмий тадқиқотларни автоматлаштириш ва ҳисоблашга оид эксперимент ўтказиш масалалари баён қилинган.

Ушбу тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг асосий ғояси муаллифларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш шароитларини уларни технологик кўрсаткичлар билан боғлаган ҳолда математик ифодалашга ҳаракатларидан иборат. Бундай ёндашув умуман олганда аграиқтисодий жараёнларни қишлоқ хўжалиги юритиш тизими қонунлари ва уни ташкил қилувчи унсурлар ва қуйи тизимлар ахборотлари асосида моделлаштириш имкониятини беради.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, айрим моделлар ва уларни амалга ошириш алгоритмлари марказлашган бошқарув тизимида шакллантириладиган бир-бирига боғлиқ ахборотлар асосида қурилган. Шу боисдан бундай моделлар, айниқса, оптималлаштириш моделлари, уларнинг ахборот базаси ва компьютерда амалга ошириш усуллари нуқтаи назаридан қайта ишлаб чиқилиши лозим.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан давлатнинг иқтисодиётни, жумладан, қишлоқ хўжалигини бошқариш функциялари тартибга солиш характериға эға бўлиб бормоқда. Бундай шароитларда аграр иқтисодиётни макродаражада тартибга солишни ахборот билан таъминлаш тизимларини яратиш муаммоларини ҳал этиш муҳим аҳамиятға эға. Бундай тизимлар аграр соҳани бошқарувчи давлат органларини ишлаб чиқариш кўлами, истеъмол қилинаётган ресурслар ва маҳсулотларнинг кутилаётган ҳажми, шунингдек, давлат бюджетига келиб тушаётган даромадлар ҳақидаги ахборотлар билан таъминлаши лозим. Бунинг учун интернет тармоғи негизида қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ тармоқларни давлат бошқарув органларида икки ёқлама функцияға эға бўлган ахборот тизимларини яратиш талаб этилади. Бундай тизимнинг асосий вазифаси бу – фермерлар, ижарачилар ва бошқаларға ахборот хизматлари кўрсатиш, кейинги функцияси эса, қишлоқ хўжалигининг истиқболда ривожланишини, талаб, нархлар динамикаси ва бошқа кўрсаткичларни

макродаражада башорат қилиш учун микромуҳитдан статистик ва ишлаб чиқаришга оид ахборот тўплашдир.

Ушбу йўналишлар бўйича сўнги йилларда республикамиз олий таълим тизимида ва илмий марказларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланишини таҳлил ва башорат қилиш моделлари ва усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Пировардида:

-ахборот етарли эмаслиги (ноаниқлиги) шароитларида бошқариладиган омилларга боғлиқ равишда ҳосилдорлик ўсишининг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш имконини берадиган ноаниқ тўпламлар назариясига асосланган кўп омилли моделлар ва усуллар;

-ер-сув ресурслари чегараланган шароитида республика минтақаларида пахта, дон ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳажмининг оптимал вариантини аниқлашга имкон берадиган занжир таркибли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштиришни оптималлаштириш модели;

- пахтачиликда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш ресурслари самарадорлигини баҳолаш услубияти ва пахта хом ашёси сифатини бошқариш модели;

- фермер хўжаликларининг ер ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ҳамда фермер хўжаликлари жойлашган ҳудуд салоҳиятидан оқилона фойдаланиш мақсадида уларнинг ривожланиш истиқболларини аниқлаш услубияти ва моделлари яратилди.

Республикада олиб борилган ушбу ва бошқа тадқиқотлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш шароитларида қишлоқ хўжалигини бошқарувчи давлат органларини ахборот билан таъминлаш тизимларини яратиш ва фермер хўжаликлари ривожланишини прогнозлашнинг методологик ва услубий базаси ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда фермер хўжаликлари томонидан фойдаланиладиган ер ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари самарадорлигини ошириш ҳамда улар ривожланишини моделлаштириш борасида ўтказилган тадқиқотлар етарли эмас. Шунингдек, янги аграр муносабатлар шаклланиши шароитида дон ва пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини нормал рентабеллиги, ўзини-ўзи молиялашига, уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш, тўловчанлик қобилиятини баҳолаш, пахта хариди нархини асослашнинг айрим услубий масалалари иқтисодий-математик усулларни қўллаган ҳолда ҳозирча етарли даражада ўрганилмаган ва маҳсус тадқиқотни талаб қилади. Бунда фермер хўжаликларини ривожлантириш, алоҳида ҳудудлар (туманлар) салоҳиятини ҳисобга олиб фермерлар ишлаб чиқаришини оптимал жойлаштириш ва ихтисослаштириш истиқболларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шуларни ҳисобга олганда иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида пахта етиштирувчи фермер хўжаликларда ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасини белгилаб берувчи омилларни эконометрик таҳлил қилиш ва улар ривожланишини прогнозлаштириш усулларини ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 7-февраль. 2017 й.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. www.press-service.uz.

3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.